



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 15 ноябрь, № 223 (4633) • Шанба

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолиги ва ғамхўрлиги билан иқтисодиётнинг барча тармоқлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, ишлаб чиқаришга замонавий ускуналар кенг жалб этилмоқда. Бу жаҳон стандартлари талаблари даражасида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берапти. Буни пойтахтимиздаги ювиш воситалари ишлаб чиқариладиган «Pakson Toshkent» кўшма корхонаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.



Ўзимизда ишлаб чиқарилган



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

Гап шундаки, модернизация шарофати билан маъмур заводнинг ишлаб чиқариш қуввати ошди ва бу ерда бир неча турдаги янги ювиш воситалари тайёрлаш ўзлаштирилди.  
Заводда айни пайтда йилга 5 минг тонна атрофида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга «Push», «Barf», «Pride», «Mars», «Best» ва «Астра» савдо белгилари орқали етказиб берилапти. Бу маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари бўйича хорижийдан асло қолишмайди. Хушбўй, кийим-кечадаги доғларни тезда кетказади.  
Жорий йилда корхонада ювиш воситаларидан ташқари, «Barf» ва «Raksha» номли тазалаш воситалари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бунинг учун 200 минг АҚШ долларлик хорижий замонавий линияси олиб келиб ўрнатилди. Шу тариха маҳсулотлар тури 10 тага етказилди.  
Кўшма корхонанинг 180 кишилик жамоаси 2009 йилдан бошлаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига уларнинг турини янада кўпайтириш ниятида. Тиш ювиш пастаси, суяк ювиш воситалари, хўжалик совуни шулар жумласидандир. Бунинг учун умумий қиймати 50 минг АҚШ долларлик хориж технологияси келтирилди.  
Маҳаллийлаштириш дастури бўйича қадоклаш қўтилари эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилаёпти. Бу маҳсулотларни харидорларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, 5 хил оғирликда, картон ва полиэтилен идишларда қадоклаш имконини берди. Натيجида корхона маҳсулотлари ички бозорда тобора харидорлар бўлиб бораётир. Масалан, шу йилнинг 9 ойида 1 миллиард 49 миллион сўмликдан ортиқ ювиш воситалари сотилди. Йил охиригача яна 200 миллион сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилиши кўзда тутилган.

С. РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
СУРАТЛАРДА: кўшма корхона фаолиятдан лавҳалар.

## МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ТАШРИФИГА ДОИР

Малайзия Бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий 16-18 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.  
Ташриф чоғида Ўзбекистон-Малайзия ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

## Ўзбекистон — Малайзия: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Малайзия — Жануби-шарқий Осиёда, Малак ярим ороли ва Калимантан оролининг шимолий қисмида жойлашган давлатдир. Умумий майdonи 329,7 минг кв.км. Аҳолиси 27,7 миллион киши ва 60 га яқин турли этник гуруҳлардан иборат. Уларнинг энг кўп соғли қисмини малайлар, хитойлар ва ҳиндулар ташкил этади. Аҳолининг асосий қисми Ислom динининг сунний маъзабидати мусулмонлардир. Шунингдек, буддавийлик, ҳиндуизм ва насронийлик динлари тарқалган.

Малайзия тарихига 13 та штат ва учта федерал ҳудуд — пойтахт Куала-Лумпур, Путражая федерал маъмурий маркази ҳамда Лабун ороли кириди. Давлат тузилишига кўра Малайзия парламент демократиясига асосланган конституцион монархия ҳисобланади. Давлат раҳбари — Олий Ҳукмдор (подшоҳ) бўлиб, ҳукумат Кенгаши томонидан тўққизта штат султонлари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Бош вазир лавозимини парламент Вакиллар палатасида кўпчиликини ташкил этган партия етакчиси эгаллайди. Бош вазир тавсисига биноан Подшоҳ маҳкама таркибини (парламент депутати бўлиши лозим бўлган вазирларни) тасдиқлайди. Гарчи ҳукуматнинг барча қарорлари расмий тарзда подшоҳ томонидан тасдиқлана-да, ҳокимият, шу жумладан, иқтисодий бошқариш борасидаги ваколатлар ҳам ҳукумат раҳбарига тегишли. 2003 йил октябрь ойидан эътиборан мамлакат бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий ҳисобланади, у 2008 йил 8 март кунини ўтказилган навбатдан ташқари парламент сайловларида ўз лавозимига қайта сайланди.

Малайзия ўз иқтисодий кўрсаткичлари бўйича «Осиё йўлбарслари» деб ном олган янги санатлашган давлатлар сафига кириди. Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммаднинг 22 йиллик бошқаруви давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юқори кўрсаткичларига эришиб, дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан ўрин олишга муваффақ бўлди.  
Иқтисодиётнинг юқори суръатда ўсуви моделини танлаш, хорижий маблағ ва технологияларни жалб қилиш, санатлашган давлатларнинг энг сўнгги тажрибаларини амалиётга жорий этиш, санатлаштиришнинг асосий воситаларининг — импорт ўрини босувчи маҳсулотларга бўлган талабни қондириш, экспортга ихтисослаштириш ва

сиёсий барқарорликни таъминлаш уйғунлиги мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишда улкан муваффақиятларга эришиш ва ижтимоий соҳада сезиларли ривожланишни таъминлаш учун замин яратди.

Малайзия дунё бозорига энг кўп каучук, пальма мойи ва қалай етказиб берадиган мамлакат ҳисобланади, какао дуккаклари, тропик ёғочлар, табиий каучук, нефть ва газ экспорти бўйича ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. 2007 йилда мамлакатда қазиб олинган нефть ҳажми 31,6 миллион тонна, табиий газ ҳажми 52 миллиард куб метрни ташкил этди.

Малайзия пойтахтидаги «Петронас тауэр»нинг осмон-ўлар бинолари нафақат Куала-Лумпур, балки бутун мамлакатнинг сиймоси бўлиб, айни пайтда улар Малайзия иқтисодий тараққиётининг тимсолиларидан бири ҳамдир. Ушбу иншоот иккита бир-бирига ўхшаш 452 метрлик минорадан иборат бўлиб, дунёда энг баланд бинолар сафига кириди. «Эгизаклар» 1998 йили Малайзия давлат нефть компанияси — «Petronas» томонидан қурилган.

Малайзияда ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига қайта ишлаш саноти салмоқли ҳисса қўшади. Экспортга мўлжалланган электрон ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси унинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Ташки савдо айланмаси миқдори бўйича дунёнинг етакчи йиғирмата давлати қаторига кирувчи Малайзияда ушбу кўрсаткич 2007 йилда 345,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 2007 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 6 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 6,4 минг АҚШ долларига, харид қилиш қобилияти 14,4 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

(Давоми 2-бетда).

### Семинар

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги Солиқ кодекси мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишга хизмат қилаётди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» да «Янги Солиқ кодекси — иқтисодий ислохотлар меваси» деб номланган кўргазмали семинар ташкил этилди.

### Солиқ тизими: Янги кодекс ишламоқда

Таъкидлангани, янги Солиқ кодексининг мазмун-моҳияти аввалгисига нисбатан анча бойитилган бўлиб, у солиқ соҳасидаги барча тартибга солувчи барча меъёр ва қондаларни муассамлаштирган ҳамда турридан-турри амал қилувчи ҳужжатдир. Бу ҳужжатга киритилган солиқ тўловчининг қирғинчи презумпцияси принципига кўра, қонун ҳужжатларида бартараф этиб бўлмайдиган турли қарама-қаршиликлар ва ноаниқликларнинг фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган. Янги кодексда, шунингдек, фуқароларнинг қаролатлари кенгайтирилиб, уларга ўз манфаатларини шахсан ёки вақили орқали ифода этиш ҳуқуқи беришган.

Семинарда қўмита раиси Б. Парфияев сўзга чиқиб, Солиқ кодексида амал қилиш тартиби ва унда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар ҳақида батафсил тўхтади.  
— Кодексни тартиб этиш юзасидан ўн ой мобайнида қўйилган миқдобида солиқ тўловчилар иштирокида бир қатор семинарлар, йиғилишлар ва давра суҳбатлари уюштирилди, — деди ДСК Аxbopт хизмати бош мутахассиси К. Алламжонов. — Қувончлики, сўрономаларда қатнашганларнинг 75 фоизи кодекс билан тўлиқ танишиб чиққанини, 25 фоизи ўз соҳасига тегишли бўлган қисмини ўрганганини, унда белгиланган меъёрлар ўзларига тушунарли эканини айтиб, солиқ қонунчилиги меъёрларини янада такомиллаштириш бўйича қўлаб тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Анжуман доирасида ташкил этилган кўргазмада соҳага оид ёрқин лавҳалар намойиш этилди.  
Шонра БОЙМУРОДОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.


## ҚОНУН ИЖРОСИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасида Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижроси натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Қонунчилик палатаси депутatlари, Фарғона вилояти ҳокимлиги вакиллари, қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш билан шуғулланадиган республика ташкилотлари масъуллари иштирок этишди.

Йиғилишда ушбу қонун кўчага киргач, соҳадаги ечимини кутиб турган бир қатор муаммолар хал этилганини, амал қилиниши керак бўлган вази-фаларни қонун асосида тартибга солинганини таъкидланди. Айни вақтда зарарқунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашда ташкилий-хўжалик, механик, агротехник, кимёвий ва биологик усуллар самарали қўлланиб келинаётгани айтилди.  
Бундан ташқари, биологик усулни қўллаш ҳажмининг ошиши натижасида инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун ўта зарарли ҳисобланган кимёвий усулни қўллаш ҳажми 139,2 минг гектардан 4,6 минг гектарга ва ишлатилган кимёвий воситалар миқдори 125 тоннадан 6,3 тоннага камайлган ҳам эътиборлидир, дейилди анжуманда.  
Шунингдек, гўза зарарқунандаларига қарши курашда биологик усулдан фойдаланиш чо-



ғида ҳар гектар ерга 12-23 минг сўм миқдорда маблағ сарфланаётгани, аксинча, кимёвий усулда курашилганда 27-58 минг сўм маблағ кетиши ҳам иштирокчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Кўриниб турибдики, биологик усулдан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан анча арзон.  
Йиғилиш якунида қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижроси натижаларидан келиб чиққан ҳолда ўсимликларни зарарқунандалардан химоя қилишнинг замонавий усуллари кенг тарғиб этилиши, соҳага оид мавжуд қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, самарали иқтисодий механизмларни жорий этиш зарурлиги ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.  
3. ХУДОЙШУКУРОВ.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий қафолатларига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди. Унда инсон ҳуқуқлари билан бевосита шуғулланадиган вазирлик ва муассасалар ходимлари, ушбу идораларнинг матбуот учун масъуллари, шунингдек, оммавий аxbopт воситалари иштирок этди.

## УСТУВОР ҚАДРИЯТ

Анжуманда таъкидланганидек, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Чунончи, инсон ҳуқуқларини қафолатлайдиган қонуний асос яратилди, шу билан бирга, фуқаролар ҳуқуқларини химоялайдиган институтлар шакллантирилди.

Президентимизнинг жорий йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши эса бу борадаги ишларни янги бошқича олиб чиқди. Зеро, маъмур ҳужжатга биноан, мамлакатимиз бўйлаб кенг қўламли тадбирлар ўтказилмоқда, аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишлари йўлга қўйилаётди.  
(Давоми 2-бетда).

Анжуман

## Мамлакат бўйлаб

Марғилон шаҳридаги Гўрвалл маҳалла фуқаролар йиғинида Япония гранти ёрдамида ташкил этилган «Зиё-зиё» ёшлар ўқув маркази иш бошлади.

### Ўқув маркази иш бошлади

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Тацудо Сунэхари сўзга чиқиб, Япония ҳукуматининг кичик ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам қўришига келаётганини, бу эса икки халқ ўртасидаги дўстликни мустақкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.  
Замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу масканда ёшлар тикувчилик, сартарошлик, пазандалик, ҳамширалик, компьютер ўқуви каби 5 та йўналиш бўйича хўнар ўрганиладур.  
Муҳаммадjon МАХМУДОВ.

### Ҳуқуқ ва жамият

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси, БМТ Ривожланиш дастури ва Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей билан ҳамкорликда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан очик дарс ўтказилди.  
Тадбирда сўзга чиққанлар академик лицей ўқувчиларига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти, унда қандай талаблар Конституцияимизда ва миллий қонунчилигимизда ўз аксини топанганини, бу эса ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий тамойилларидан бири эканини таъкидладилар.  
Юнус БУРHOV.

### «Навоий» постининг янги биноси

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида янгидан барпо этилган «Навоий» чегара ва боғжона назорат ўтказиш пости фойдаланишга топширилди.

Маъмурият очилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат боғжона қўмитаси раиси С. Носиров Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида чегара ва боғжона хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини янада ривожлантириш, чегарани ва боғжоначиларга замонавий шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.  
«Навоий» чегара ва боғжона назорат ўтказиш постининг халқаро талаблар даражасида таъмирлангани ва зарур техника воситалари билан таъминлангани бунинг далилидур.  
(Давоми 2-бетда).

## ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикаимизда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш мақсадида

30,94 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Ўтган даврда иқтисодиётнинг аграр секторини қўллаб-қувватлаш доирасида ушбу йўналишдаги комплекс дастурни амалга ошириш туфайли шунча миқдордаги маблағни ўзлаштиришга эришилди.

БИР РАҚАМ  
ШАРҲИ



Ота-боболаримиз азал-азалдан бебаҳо бойлик саналмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат раванкининг энг асосий шарт ва гарови деб билишган...

# ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Шу боис бу соҳада юзаси, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мўлқоқ йўл қўйилмаслиги лозим. Бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва кўлаб-қувватлигина талаб қиладиган умумий-ли масалаларидир.

лиги билан аҳамиятлидир. Маориф, шунингдек, узлуксиз ва изчил бўлиб, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурийдир. Давлат таълим стандартлари доирасида билим олиш ҳамма учун очик, дастурларни танлашга ягона ва таъабаллаштирилган ёндашув йўлга қўйилган.

### Менинг Конституциям

Мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Бундай мутахассислар тайёрлаш олиқ ўқув юртурларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олиқ мактаблар) бўлиши шарт эмас, лекин олиқ ўқув юртурларида бўлиши шарт.

лашга йўналтирилган. Уни олиқ ўқув юртурлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин.

ҳуқуқларга эга. Бу ҳуқуқлар конунларда мустаҳкамланган. Бу, ўз навбатида, фуқароларга маданий ютуқлардан фойдаланишга замин яратди.

Инсон тафаккури, ақли ва ижоди ҳар қандай тараққийнинг, юксалишнинг асосий манбаи. Бинобарин, ўз раванки тўғрисида қайғурадиган ҳар қандай жамият ижод эркинлигига кенг йўл очиб бериши, барча кишилар фан, адабиёт, санъат асарларидан ҳеч қандай тўқчиликларга бехараман бўлишига имконият яратиб бериши лозим.

### Тадбир

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида маънавиятнинг юксалиши ва жамиятнинг янгиланишида ижтимоий-сиёсий институтларнинг ўрнига бағишланган давра сўхати бўлиб ўтди.

### КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ПОЙДЕВОР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Узбекистон Миллий тиклиши демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридилари сурилган маънавиятнинг юксалиши, жамиятнинг янгиланишига қаратилган эзгу гояларни халқимизга етказишда ижтимоий-сиёсий институтлар ва олима аёллар имкониятларидан фойдаланишга бағишланди.

# КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ёш авлод таълим-тарбиясида қаратилаётган беқисс гамаҳурлик туғайли барча шарт-шароитга эга бўлган мухташам мактаблар қад ростламоқда.

Бундай юксак эътибор самараси ўлароқ, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умум-миллий дастури» каби ҳужжатлар амалиётга жорий этилди.

### Таълим

адабиётлар кенг ўрин олган. Мухими шундаки, ушбу кўргазмада жамоатчилик, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар иштирок этиб, тақдим этилган ўқув адабиётлари ва дарслиқлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари, таълиқларини билдирадлар.



Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Владимир ГРАНКИН олган сурат.

# ИНВЕСТИЦИЯ ШАРОФАТИ

«Самарқанд лифтсозлик заводи» очик ҳиссадорлик жамиятининг махсусотлари республикамиздагина эмас, балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам харидориг. Бунга мавжуд цехларни техник ва технологик жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш орқали эришилмоқда.

Жамият раиси Абдулла Каримовнинг айтишича, ўтган йили Россиянинг «Перевест-инвест» компанияси билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган эди. Унга асосан, ушбу йилки саноат корхонаси 5 йил мобайлида 7 миллион АҚШ долларини микдорда инвестиция қи-

ритиб, заводи замонавий технологиялар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш вазифаларини ўз зиммасига олганди. Ҳўш, россиялик ишбилармонлар билан имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномасининг амалий натижалари бугун

лар реконструкция қилиниб, цехлар техник жиҳатдан қайта жиҳозланди, 4 та замонавий янги дастгоҳ сотиб олинди. Натҳажада 3 турдаги йўловчи ва 7 турдаги юк ташкил қилдирари тайёрлаш йўлга қўйилди. Устувор режага кўра, 2012 йлга бориб, корхонада йилга камида 5 мингта лифт тайёрланади. Иш ўрни эса 1000 тага етказилади.

керакки, бўлтур Москвада ўтказилган «Лифтэкспо-2007» халқаро кўргазмасида Самарқанд лифтларига юқори баҳо берилган, тадбир давомида кўпбал буротлар олинган эди. Лифтсозлар шунчи хисобга олган ҳолда, 2008 йилда экспорт ҳажмини 3,5 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштиришган. Айни пайтда Россия ва Украина давлатларига юқори сифатли лифтлар жўнатилаяпти.

Абдурасул САТТОВРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Ўзбекистон — Малайзия: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ялли ички махсусотнинг 50 фоизини ташкил этадиган хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётининг йилрик тармоқларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳадаги асосий йўналиш сайёҳликдир. 2007 йилда Малайзияга 20,8 миллион сайёҳ ташриф бўюб, бунинг натижасида мамлакат бюджетига 14,1 миллиард АҚШ долларини микдорда фойда кўрди.

ган ва дипломатия муносабатлари 1992 йил 21 февралда ўрнатилган. 1993 йил июнь ойида Тошкентда Малайзия элчихонаси очилди. 1999 йил декабрь ойидан бошлаб Малайзияда Ўзбекистон элчихонаси фаолият юритмоқда.

трафика, мебель ва тўқимачилик махсусотлари ишлаб чиқариш, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутади. Икки мамлакат ўзаро муносабатларининг шартнома-ҳуқуқий асосларини 16 та ҳужжат ташкил этади.

даги «Файз Минт Плаза» қўшма корхоналарини кўрсатиб ўтиш мумкин. Малайзиянинг «Петронас» давлат компанияси 2005 йилдан бўён Орел денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмида нефть ва газ конларидан махсусот қазиб олиш мақсадида ташкил этилган консорциумда иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари, «Петронас» мамлакатимизнинг жанубида амалга оширилаётган лойиҳаларда ҳам иштирок этмоқда.

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Қўртқи — Жалақудқдаги маҳаллалардан бири. У Андихон адирлари пийда жойлашган. Нуфуси яқинда 2193 нафарга етди. Шу кунларда маълум бўлишча, фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган қўртқилиқлар сони 1420 нафарни ташкил этади.

Қўртқидан ўз маҳаллаларининг ободчилиги, йўлларнинг раванчилиги, турмушининг фаровонлиги учун ҳамма бирдай жон куйдиради. Шундан бўлса керак, ўз маҳаллаларига янги раисин сайлашга жиддий эътибор қаратишди. Буни фуқаролар йигинида сайлаш ваколати берилган 58 нафар вақилнинг фаолиятини ҳам билдириш мумкин.

Мунаввархон Каримова. — Биз кўп нарсани у кишидан ўрганамиз. Сир-асроримизни унга айтмиз, маслаҳат сўраймиз. Юртимизда кеҳатган жараёнлардан у киши орқали хабардор бўламиз. Қисқаси, янги раисимиз фидойи, назари тўқ, қатъиятли бўлсин. Сайлов жараёнида номзодларнинг чиқишлариға, вақилларнинг фикрлариға эътибор берав эканнимиз, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар, аввало, фуқароларнинг онгида, тафаккурида ўз ифодасини топанганини илғаш мумкин.

Айтиш жоизки, Жалақудқ туманидаги 72 та кишлоқ фуқаролар йигинида сайловни конунчилик асосида ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Айниқса; уларнинг муқобилик асосида утаётгани энг муносиб номзодларни сайлашга айни мудоаа бўлаётди. Аслида бу сайловларнинг демократик тамойили ўтганини белгилувчи мумим омилдир.

### «НАВОИЙ» ПОСТИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, хизматчилар учун кенг ва шиана ётоқхона, машғулотлар хонаси, спорт майдончаси ва ошхона шайлаб турилди.

тадиган мазкур постда яратилган бундай қулайликлар бохона расмийлаштирувини янада содаллаштириш, чегарадан ўтиш билан боғлиқ ишларни тезлаштириш имконини беради.

Мамлакатимиз ички бозори ва иқтисодий маанфаатларини химоя қилишда мумим ўрин ту-

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов иштирок этди.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎзА мухбири.

Қ. ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Багрикенглик инсоннинг ҳақиқий инсонлигидан далолат берувчи юксак руҳий-маънавий фазилатлар. Багрикенглик феъли тоза, кўнгли очик, соҳаватли, ҳимматли кишилар бўлади. Бундай инсонлар худди шундай хислатлари билан худбин, багри тор, багри тош, ичи қора кимсалардан тамомла фарқ қилади.

Республика миллатлараро маданият маркази — Республика Байналминал маданият марказига айлантирилди. Ушбу марказлар юртимизда истикомат қилаётган барча миллатлар, эллатларнинг маданият, маънавият, миллий урф-

лат вакиллари орасидан ҳам Меҳнат Қарамонлари, сенаторлар, депутатлар, маданият, адабиёт, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳаларида шон-шарфли кишилар кўплаб етишиб чиқмоқда. Ўзбекистонда миллати, тили, дини-

маҳрум этиш тарихида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди... Жиноят жазо тизими эриқлаштиришга доир бундай чоратadbирлар давлатимиз сиёсатининг инсонпарварлигидан, багрикенглигидан ёрқин далолатлардир.

Спорт • Sport • Спорт  
«Хоразм» — олий лигада

Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати биринчи лига беллашувлари якунларига кўра, «Хоразм» (Урганч) футбол жамоаси келгуси мавсумни олий лигада бошлайдиган бўлди.

Муддатидан олдин олий лигада йўланмани қўлга киритган «Хоразм» футболчилари чемпионатни юқори натижа билан ниҳоялаштиди. Уттиз саккизинчи турда ўз майдонида «Шўрчи-Лочин» жамоасини қабул қилган урганчлик футболчилар рақиб дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритдилар. Учрашув якунланган, олий лигада тўп суриш ҳуқуқини қўлга киритган «Хоразм» жамоаси аъзолари медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Гроссмейстерларимиз олимпиадада

Айни кунларда Германиянинг Дрезден шаҳрида навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадаси баҳслари бўлиб ўтмоқда. Эътиборлиси, унда Рустам Қосимжонов, Алексей Барсов, Шурхат Сафин каби етакчи гроссмейстерларимиздан иборат юртимиз терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Биринчи турда эркалар терма жамоамиз индонезия-

Гандбол бўйича голиблар

Самарқандда гандбол бўйича Ўзбекистон чемпионати иккинчи тур баҳслари бўлиб ўтмоқда. Чемпионликка асосий давоғар бўлиб турган «Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти» жамоаси бу гал ҳам галабага эришди. Пойтахтнинг «Ешлик» жамоасига қарши баҳс юртдан самарқандликлар рақибларидан 39:29 ҳисобида устун келиб, мусобақадаги мавқелини мустаҳкамлаб олдилар. «Олмалиқ конметаллургия комбинати» гандболчилари эса «Андижон Олимпия захиралари коллежи» жамоасини 35:18 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Ўзбекистон миллий университети» ва «Урганч Олимпия захиралари коллежи» жамоалари ўртасидаги беллашувада 34:13 ҳисоби қайд қилинди.

Оуэнни сотиб олмоқчи

Англиянинг «Астон Вилла» футбол жамоаси «Ньюкасл Юнайтед» ҳужумчиси Майкл Оуэнни сотиб олмоқчи. «Daily Mail» нашрининг ёзишича, агар томонлар бир битимга келиша оلسа, футболчи 2009 йил бошида «Астон Вилла» аъзосига айланиши мумкин. Сал олдинроқ Оуэн беш миллион фунт стерлинг эвазига «Челси»га ўтаётгани ҳақида гап-сўзлар тарқатилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, Майкл Оуэн ва «Ньюкасл Юнайтед» ўртасида тузилган амалдаги шартнома 2009 йил ёзида ниҳоясига етади. Шу боис яқинда клуб футболчига янги шартнома тақлиф қилди. Бироқ, Оуэн ушбу тақлифни рад этди.

ЮКСАК МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТ

Багрикенг инсонлар ўзгалар ҳам худди ўзадай одам эканлигини, жамиятда уларнинг ҳам ўз ўрни, қадр-қиммати, манфаати, мақсад-интилишлари борлигини жуда инсонийлик билан тушунади ва жамиятга ҳурмат-эҳтиром билан қарайди. Пировадиди, багрикенг инсонлар табиатида ўзгаларга биродарлик, ҳурмат-иззат, ўрни келганда, кеңиримлилик; соҳават, ҳиммат, инсоний ғам-хўрлик ва эътибор ҳис-туйғулари кучли ривожланган бўлади. Багрикенг инсонлар, шу маънода, ҳар қандай жамиятнинг беэаги, фаёзи ва таянчидир.

дан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқли ва қонун олдида барча баробардир. Қонунларимиз эса ҳар бир инсонни олий қадрият деб билади, унинг қадр-қиммати, тинчлиги, осоийшталлиги, соғлиги, орзу-мақсадлари ва турмушининг фаровонлигини қатъий ҳимоя этади.

Президентимиз раҳамомлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлохотлар жараёнида багрикенглик тамойиллари равшан кўзга ташланиб турибди. Фермерлик ҳаракатини олаёлик. Собиқ совет тузумида хусусий мулкчилик, хусусий манфаатлар жиноятчилик тарзида талқин этиларди. Бугун эркин меҳнатда, ташаббускорликка, ер ва мулкни хусусийлаштиришга кенг йўл очилди. Одамларнинг меҳнатдан манфаатдорлиги, бой-бадавлат бўлиш имкониятлари вуждга келди. Бу давлатимиз сиёсатининг багрикенглигидан бир далолатдир.

2008 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан ўлим жазоси олиб ташланди. Жиноят кодексидидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодлиқдан

ларда олиб борилмоқда. Юртимизда нашр этилаётган журналларнинг 45,5 фоизи, газеталарнинг 30 фоизи бошқа тилларда чоп этилаётди. Телевидение ва радиода турли тилларда кўрсатувлар ҳамда эшиттиришлар мунтазам йўлга қўйилган. Мамлакатимизда ўзбек халқи фарзандлари қаторида барча бошқа мил-

лат ва аъналар соҳасидаги ўзига хос талаб ва эҳтиёжларини қондириш, шу тарика, уларни Ўзбекистонда янада мустаҳкамроқ жипслаштиришга хизмат одатлар ва аъналар соҳасидаги ўзига хос талаб ва эҳтиёжларини қондириш, шу тарика, уларни Ўзбекистонда янада мустаҳкамроқ жипслаштиришга хизмат



16 ноябрь — Халққо багрикенглик куни

16 ноябрь — Халққо багрикенглик куни

қилиб келаётган ижтимоий-иқтиёрий ташкилотлардир. Республикаимиз олий ўқув юртиларида, мактабларда таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари, бошқа тил-

Багрикенглик халқнинг яқдиллигини, аҳуллигини, тугуллигини, буюк орзу-мақсадлар йўлидаги ижтимоий ҳамкорлигини вуждга келтирган улкан маънавий мўъжизадир.

Михли САФАРОВ.

Қадимшунослик сабоқлари

Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Халққо маданият қарвонсаройида ёш мутахассислар учун археология фани бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди. Машгулотлар сопол ва гил-тупроқдан ясалган буюмлар шаклини чизиш, уларни тайёрлаш технологиясини тасвирда акс эттириш, археологик топилмаларни суратга олиш усули каби йўналишларда ўтказилди. Ун кун давом этган ушбу маҳорат дарсларини Япониянинг Комазава университети лектори, таниқли археолог Хи-роаки Фуручно, Токио маданый

NOVЫЙ NISSAN X-TRAIL. Жиззах шаҳридаги Ешлар марказида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги «Ешлар билан ишлаш» комиссиясининг фаолияти, «Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги билимлари, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз борасидаги ўз қобилиятларини намойиш этдилар. Баҳмал туманининг «Новқа ота» жамоаси голиб сифатида тапловнинг республика босқичига йўланма олди. Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

РАТБ «Галлабанк» томонидан 1 ойлик муддати билан «Тўнг» номли омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда. Омонатга маблағлар 2009 йил 1 январгача қабул қилиниб, йиллик 18 фоиз миқдорда устама ҳисобланади ва устама фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. «Галлабанк» — хонадонингизга барака келтирсин! Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ «МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ (Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

агар... Сизнинг уйингиз ёки офисингиз телефон коммуникациялардан узоқда жойлашган бўлса, кабель ўтказиш эса кўп куч ва сарф — харажат талаб этса. Сиз қисқа вақт ичида қўшимча рақам олмоқчи бўлсангиз CDMA стандартли стационар радиотелефонини ўрнатинг! (модел AMGOO CX8R) АТИГИ 205 000 сўмга! Комплекта телефон аппарати, драйверлар билан диск, заряд ускунаси ва USB-кабель кирди. Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma-uz сайтида.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Манзиллимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусаҳҳиф — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Тошширилди — 22.20